Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил, 17 июнь, Чоршанба.
№ 46 (144139)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 июнь куни Японияниинг Хорижий иқтисодий ҳамкорлик Жамғармаси /ОИСФ/ вице-президенти Томио Учидани қабул қилди.

- Ўзаро ҳамкорлигимизнинг эътиборли томони шундаки, Ўзбекистонда айрим хорижий сармоядорлар имкон қадар тезроқ фойда олишни кўзлаб иш бошласа, сизнинг жамғармангиз харажатлари бир неча йил, ҳатто ўн йиллар давомида қопланадиган лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этмоқда,- деди Ислом Каримов меҳмон билан суҳбат чоғида.- Ҳамкорликнинг яна бир қирраси - лойиҳаларни танлашда янги барпо этилажак иншоотларнинг сифати ва унумдорлигига, ҳар икки томон учун бирдек фойда келтиришига алоҳида эътибор қаратилади.

1961 йили ташкил этилган мазкур жамғарма Япония ҳукумати томонидан хорижий мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши учун бериладиган кредитлар сарҳисоби билан шуғулланади. Қарз беришнинг асосий йўналиши эса - демократияни мустаҳкамлаш, эркин бозор иқтисодини ривожлантириш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш тамойилларига қаратилган.

Япония ҳукумати ОИСФ орқали Ўзбекистонга умумий ҳажми 345,4 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда узоқ муддатли кредит ажратган. Бу маблағ мамлакатимизда телекоммуникация тармоғи ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга оширишга сарфланмоқда.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япониянинг Хорижий иқтисодий ҳамкорлик Жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, ҳар икки томон манфаатига бирдек хизмат қиладиган янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари хусусида фикр алмашилди.

Қабул маросимида ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки раиси Р.Азимов иштирок этди.

Қабулда Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К.Обата ҳозир бўлди.

ДИҚҚАТ, СЕССИЯ!



Алгов-далгов замонларга етиб келдик. Бировнинг бировга иши йўқдек... назаримизда. Аммо республикамизнинг қайси илм даргоҳига борманг, қизғин бир палланинг гувоҳи бўласиз. Хаттоки ётоқхона эшигига илиб қўйилган ёзги сессия ҳақидаги эълонга кўзингиз тушади.

Талаба бўлсангиз ҳамдардингизга омад тилайсиз, қутилган бўлсангиз сабр-бардош.

Суратдаги қўшиқ айтишга шайланаётган бу йигитчалар нени ўйлаётган экан. Балки китоб тўла "дипломат" кўтарган домла уларга имтиҳон куйини эслатдимикан? Нима бўлганда ҳам талаба билимини элакдан ўтказадиган сессиялар бор бўлсин.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига
Муҳтарам Президент жаноблари,

Эверест чўққисига чиқаётган Ўзбекистон алпинистлари экспедицияси аъзоларининг ярадор бўлган америкалик алпинист аёлга кўрсатган ёрдами учун АҚШ ҳукумати ва халқи номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз. Пировардида америкалик алпинист аёл ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, экспедиция аъзолари Олег Григорьев ва Андрей Фёдоровнинг қаҳрамонона саъй-ҳаракатлари Ўзбекистон халқига хос бўлган сахийлик, мардлик ва фидокорлик сингари фазилатларнинг ажойиб намунасидир. Жаноб О.Григорьев ва А.Фёдоров бу ишлари билан чўққига кўтарилиш имкониятидан фойдалана олмаганини ҳам яхши идрок этаман.

Бундай саъй-ҳаракатлар мамлакатларимиз ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстликни янада мустаҳкамлайди.

Ушбу миннатдорлигимни Ўзбекистон алпинистларига етказасиз, деган умиддаман. Мен уларни сиз орқали «Дунё томи»га кўтарилишдек улкан тарихий воқеа билан қизғин табриклашни истар эдим.

Эҳтиром билан,
Жозеф Пресел,
Америка Қўшма Штатларининг
Ўзбекистондаги Фавқулодда
ва мухтор элчиси

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Болгария Республикаси Президенти Петар Стоянов таклифига биноан шу йил 23-25 июнь кунлари расмий ташриф билан Болгария Республикасида бўлади.

ХАТТОТЛАР ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

Туркияда тўртинчи халқаро хаттотлар танлови бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 38 мамлакатидан 840 киши юборган 1800 дан кўпроқ хаттотлик ишлари намойиш этилди. Танловда Ўзбекистон Бадиий академияси хаттотлик шўъбаси аъзоларидан етти киши ўн бир асари билан қатнашди.

Танловга тақдим этилган ишлар хаттотликнинг машҳур ўн тўрт йўналиши бўйича баҳоланди. Жами 110 хаттот ғолиб деб топилди. Улар орасида ҳамюртларимиз Ҳабибулло Солиҳ ва Ислом Маматов ҳам бор.

Қадимда асосан китоб кўчириш касби ҳисобланган хаттотлик ўлкамизда кенг ривожланган ва ўзига хос санъат даражасига кўтарилган. Матбаачилик вужудга келгунга қадар китоб тайёрлаш, нусхасини кўпайтириш билан асосан хаттотлар шуғулланган. Бу санъат ёдгорликларни безашда ҳам кенг қўлланилган. Ҳозирги кунда ҳам айрим замонавий иншоотларда, жумладан, пойтахтдаги Темурийлар тарихи давлат музейида хаттотлик безаклари бу кошонага алоҳида кўрк ва улуғворлик бахш этиб турибди.

Мамлакатимизда қадимий бу санъат турини янада ривожлантириш ва ёшларга ўргатишга жиддий эътибор берилмоқда. Шу мақсадда Бадиий академияда хаттотлик шўъбаси ташкил этилган. Академия тасарруфидаги республика рассомчилик коллежи, жойлардаги нафис санъат лицейларида ёшлар хаттотлик сирларини ўрганмоқда.

Б.МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

ЭЪЛОН БЕРУВЧИЛАРГА ИШОНАЙЛИКМИ?

Кўпинча бекатларда, симёғочларда ёхуд айрим тижорат газеталарида баланд маошли ишга таклиф этилган эълонларга кўзимиз тушади. Бу қандай эълон бўлдики, катта-катта иш ҳақи тўланадиган ишлар ўз эгасини тополмаётган бўлса?..

Кунларнинг бирида уларда кўрсатилган телефон рақамлари бўйича қўнғироқ қила бошладик. Қарангки, телефонни ҳеч ким кўтармади ёки бундай рақам аслида умуман мавжуд эмас.

-- Иш қидириб юргандим, -- дея ҳикоя қилади Анвар Қосимов, газетада берилган эълон асосида бир фирмага бордим.

Мақтанишга эмас-ку инглизтилини дурустикомпьютер теххабардорман, ''хўжайинлари'' Зарда фирмаси билан ўтказилган дастлабки суҳбатданоқ шу нарса аён бўлдики, уларга замонавий техникадан ва чет тилидан хабардор, билимдон йигитлар эмас, балки қўл-оёғи чаққон, нима деса шуни сўзсиз бажарадиган, гапга чечан сотувчилар керак экан. Сотувчи бўлганида ҳам идорама-идора елиб-югуриб ҳар хил лаш-лушларни сотиб юрувчи одам.

Устига-устак гаров бадали деганларидек юз доллар тўлаб қўйиш зарурмиш. Бўлмаса-чи, шунча пулли молни бир бегона йигитга ўз-ўзидан ишониб қўйишлари керакми? Қайтиб у ерга бормадим, тўғриси бунақа ''юқори маошли'' ишга жойлашишни сира истамадим.

Анварнинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Қизиқ нима учун айрим ёшлар ўзларига иш топиша олмайди? Балки улар ишни эмас, жамиятдаги ўринлари, мавқеларини тополмаётгандирлар...

Яна ўша эълон бериб ишга таклиф қилувчи кимсаларга қайтсак. Нимага улар мақсадларини очиқ-ойдин айтишмайди. Кимнидир умидвор қилиб сарсон-саргардон қилишади. Ахир ҳар ишдан-да ҳазар йўқ-ку.

НОЗИМА

"КУНДУЗЧАК МУШТАРИЙ"

тел : 133-95-97 133-89-61

УМИДВОР ТУЙҒУ

Мен Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидан Тошкент шаҳрига иш излаб келдим.

Бир неча йилдан буён шу туманда тракторчилик қилдим. Йил ўн икки ой ишлаймиз, аммо меҳнатга яраша вақтида маош тўлашмайди. Ўз-ўзидан ойдин-ки, туманда аҳвол издан чиққандан кейин деярли билагида кучи, белида қуввати бор ёш йигит-қизларнинг кўпчилиги иш излаб, шаҳарма-шаҳар юришга мажбур бўлмоқда. Ахир оиласини боқиш, рўзғорини тебратиш керак-ку?.

Икки нафар болам бор. Уларнинг ҳам ичиши, кийиниши бор. Бунинг учун пул керак.

Умид қиламанки, Президентимизнинг Қашқадарё вилоятида рўй берган камчиликлар ҳақидаги нутқини эшитган республикамизнинг барча вилоят, шаҳар, туманлари, жумладан, бизнинг Қизилтепа туманимизнинг мутасадди раҳбарлари ҳам бундан тўғри хулоса чиқаришиб, мавжуд нуқсонларга барҳам беришда бошқош бўладилар. Ахир, юртимизни биз ёшлар обод қилмасдан, ким обод қилсин. Бу биргина менинг сўзим эмас, балки юрагида ўти бор ҳар бир юртдошларимнинг сўзидир.

Ҳалим ҲОЖИЕВ

ҚЎЙТОШДА КОРХОНА БЎЛСА...

Одатда ёшлар ҳақида гап кетганда ҳамма тўлқинланиб гапиради. Тўғри, ёш авлод кўп нарсаларни қилишга қодир, фақат қачон-ки уларга ҳар томонлама кенг имкониятлар яратилган бўлса. Афсуски, бизда бу ҳозирча тўла-тўкис равишда амалга оширилган десак муболаға бўлади. Бунинг учун узоққа бормасдан шахсан ўзимни мисол қилиб кўрсатмоқчиман. Эндигина 17 ёшга тўлган бўлсамда, рўзғор ташвиши бошимга тушган. Оилада 11 нафар фарзандмиз. Рўзғор тебратишда ота-онамга ёрдам бериш менинг фарзандлик бурчим эканлигини билиб, ишлаб пул топишга қарор қилдим. Уйдагиларим ҳам бунга рози бўлишди.

Тўғриси, мактабда ҳам яхши ўқиган эмасман. Бироқ, туманимизда иш бўлганида, уни эплашим аниқ эди. Афсуски, ишнинг ўзи йўқ бўлсада, ошна-оғайничилик, таниш-билишчилик билан унга етишиш мумкин.

Тошкентга арзимаган пул эвазига ишлашга ҳам рози бўлиб келган қишлоқдошларимни кўриб эзилиб кетаман. Уларнинг орасида ҳаттоки олий маълумотлилари ҳам бор.

Ҳозирча бозорда аравакашлик қилиб кун кўряпман. Эртага нима қилишим ўзимга ҳам номаълум. Қанийди Қўйтошимизда ҳам янги корхоналар очилса-ю, ўз қишлоғимизда, ота-онамиз бағрида яшаб ишласак.

Улуғбек КАРИМОВ,
Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани,
Қўйтош қишлоғи

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов Япониянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хорижий иқтисодий ҳамкорлик Жамғармаси (ОИСФ)нинг Томио Учида раҳбарлигидаги делегацияси аъзоларини қабул қилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 16 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валютанинг сўмга нисбатан қийматини белгилади. 1 АҚШ доллари 89 сўм 50 тийин деб баҳоланди.

* * *

Наманганда иш бошлаган очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ''Шарқ телевидениеси'' деб номланди. Жамият тележурналистлари иқтисодий ислоҳотларнинг борishи, ёшларнинг бўш вақтларини намунали ўтказишга хизмат қилувчи кўрсатувлар тайёрламоқда.

* * *

«Андижон дурдонаси» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси маҳсулотини вилоят ва республикамиз аҳолисигина эмас, хорижликлар ҳам кўплаб харид қилишмоқда. Қўшма корхона Андижон консерва заводи базасида Буюк Британия тадбиркорлари билан ҳамкорликда ташкил этилган.

Қўшма корхона линияларидан бир литр ҳажмдаги чиройли пакетларда олма ва помидор шарбатлари чиқмоқда. Ҳар бир линия соатига беш минг пакет шарбат ишлаб чиқариш қувватига эга. Тез орада тўрт литр ва бир литр сиғимли пакетларда узум, ўрик, шафтоли ва олча шарбати ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Қўшма корхона ишга туширилгач, саксонга яқин киши яхши ҳақ тўланадиган доимий иш билан таъминланди. Уларнинг кўпчилиги ишга жойлашибгина қолмай, хорижий мутахассислар ёрдамида янги касбни ҳам ўрганди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

АЛМАТИ. Бу ерда бишкеклик ошқдий автомобиль ўғриси қўлга туширилди. У ташқи ишлар вазирлигига қарашли ''Мерседес --220Е'' русумли машинани ўмариб, Бишкекка олиб бориб сотмоқчи бўлибди. У Қирғизистонда ҳам шундай русумли автоуловни ўғирлаб Қозоғистонга олиб келиб, пуллашга улгурган экан.

* * *

Б И Ш К Е К . Қирғизистон пойтахтида енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Унда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон ва қозоғистонлик спортчилар ҳам қатнашди. Қозоғистонлик Елена Кошеева 6 метр 76 сантиметрга сакраб, Марказий Осиё ҳудудида юқори натижага эришди.

* * *

ДУШАНБЕ. Тожикистон-Афғонистон чегарасидан қорадори олиб ўтиб кетишга уринган икки қонунбузар қўлга олинди. Уларнинг бири отишма чоғида ўлдирилди.

ДУНЁ: СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ХОРИЖДА

М А Д Р И Д. Испания фуқаро гвардияси ва соҳил божхона хизмати вакиллари ҳамкорлигида қарийб бир ой давомида амалга оширилган операциялар натижасида мамлакат жанубидаги Кадиса вилоятида етмишдан ортиқ наркотик ташувчи шахс қўлга олинди. Фуқаро гвардияси Бош директори Л.Валдильесонинг таъкидлашича, жиноятчилар асосан Испания, Португалия ва Марокаш давлатлари фуқароларидир.

Қўлга олинган жиноятчилардан жами 9 тонна оғу, шунингдек, ўқотар қуроллар ва катта миқдорда хорижий валюта топилган.

* * *

К А Р Д И Ф Ф. Европа давлатлари саммитида иштирок этаётган Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук НАТО Болқон ярим оролининг жанубий қисмига қуруқликдаги қўшинларни киритиши мумкинлигини айтди. Бу Сербия полициясининг Косоводаги тажовузкор ҳаракатларига қарши қўлланадиган чора бўлади. Айни вақтда Р.Кук Югославия раҳбари С.Милошевич Европа давлатлари, НАТО ва умуман жаҳон ҳамжамиятининг Косоводаги тартибсизликларга чек қўйиш борасидаги талабларини инкор қилишни давом эттираверсагина Шимолий Атлантика ҳарбий алянси шундай йўл тутишини маълум қилди.

НАТО ҳарбий-ҳаво кучларининг Болқон ярим оролида жанубида бошланган машқларида тўққиз давлат иштирок этмоқда. С.Милошевич бунинг қай мақсадда ўтказилаётганини англаб етиши керак, деди Буюк Британия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари.

* * *

С Е У Л. Жанубий Кореядаги энг йирик концернлардан бири - «Хёндэ»га асос солган Чон Чо Ен ташаббуси билан Шимолий Кореяга 500 бош қорамол жўнатилди. Инсонпарварлик ёрдами ортилган машиналар карвони билан биргаликда Чон Чо Еннинг ўзи ҳам Шимолий Кореяга йўл олди. Асли шу ерлик бўлган «Хёндэ» асосчиси мамлакатнинг айрим раҳбарлари билан учрашиб, бизнесни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш ниятида.

Сеулдан олинган хабарларга қараганда, яқин кунларда Корейс яриморолн шимолига яна шунча бош қорамол юборилади.

* * *

Т О К И О. Япония ҳукумати БМТ Бош Ассамблеясининг кузда бўлажак навбатдаги сессиясига истиқболда ядро қуролининг бутунлай йўқотилишига қаратилган резолюция лойиҳасини тақдим этиш ниятида. Ушбу мамлакат ташқи ишлар вазирлигидан олинган хабарга кўра, резолюция бир неча босқичдан иборат бўлиб, аввалига ядро қуролини камайтириш ва барбора бутунлай йўқ қилишни кўзда тутади.

Мазкур ҳужжатнинг дастлабки лойиҳаси яқинда «катта саккизлик» давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Ҳиндистон ва Покистондаги ядро синовлари муносабати билан Лондонда бўлиб ўтган фавқулодда йиғилишига ҳам киритилган эди. У октябрь ойига қадар янада такомиллаштирилади.

''Туркистон'', ЎзА ва хориж матбуоти материалларидан.

Биринчи қалдирғочлар

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДАН РЕПОРТАЖ


Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ўтказган илк танловда ғолиб деб топилган 157 нафар йигит-қиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Япония сингари ривожланган давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртларига таҳсил олиш учун жўнаб кетган эди.

Жамғарма ўтган йили иқтисод, халқаро ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экология ҳамда журналистика каби устувор мутахассисликлар бўйича биринчи марта танлов ўтказди. 157 нафар талаба АҚШнинг Йейл, Браун, Эмори, Вортон, Рочестер, Индиана, Миссури, Жорж Маршалл, Буюк Британиянинг Манчестер, Бирмингем, Нотингем, Ридинг, Лидс, Глазго, Германиянинг Фленсбург, Бремен, Япониянинг Хитоцубаши, Васеда, Кейо ва бошқа билим масканларида ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда. Бу йил яна 300 дан ортиқ талаба синовлардан муваффақиятли ўтиб, янги ўқув йилини чет эллардаги олий ўқув юртларида қаршилайди. Бу галги танловга қурилиш менежменти, тоғ иши, машинасозлик, саноат дизайни, архитектура, рассомлик, мусиқа ва хонандалик мутахассисликлари қўшилган. Таълимнинг жўғрофий доираси кенгайган. Бу йил ёшларимиз Италияда ҳам таҳсил оладиган бўлди.

Қувонарли томони шундаки, ёшларимиз донгдор илм даргоҳларида фанни хорижлик тенгдошлари билан теппа-тенг, баъзан эса улардан ҳам юксакроқ даражада ўзлаштирмоқда. Масалан, АҚШда таҳсил олаётган 99 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз америкалик талабаларга нисбатан ҳам бирмунча юқори натижаларга эришгани қайд этилди. Ўзбекистонлик ёшлар 4 балли баҳолаш тизими бўйича ўртача 3,35 балл олишга муяссар бўлиб, олий ўқув юртлари раҳбарияти ва узтозларининг катта мақтовига сазовор бўлди. Умуман, дастлабки натижаларга тўхталадиган бўлсак, 1997 йил танлови ғолибларининг 15 нафари таълимни муваффақиятли тугатиб, Ватанга ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистр илмий унвонлари билан қайтдилар. Эндиликда улар мамлакатимиз халқ хўжалигининг муҳим соҳаларида фаолият кўрсата бошлайди ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссасини қўшади.

...Тошкент аэропорти. АҚШ ва Буюк Британия илм масканларида таълим олаётган бир гуруҳ талабалар ёзги таътилни ўтказиш учун юртимизга қайтмоқда. Уларни «Умид» жамғармаси раҳбарияти, ота-оналар ҳамда жамоатчилик вакиллари кутиб туришибди.

- Очиқ эътироф этиш керакки, жаҳоннинг илғор олий ўқув юртларида ўқишни ташкил қилиш осон иш эмас,- дейди ЎзА мухбири билан суҳбатда фарзандини интиқлик билан кутаётган онахон Зайнаб Мамажонова.- Ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, Йўлбошчимиз ташаббуси билан ана шундай эзгу ишга қўл урилгани нафақат биз, ота-оналар балки, бутун халқни беҳад қувонтирди. Фарзандларимизнинг чет элда ўқишлари, бекаму-кўст яшашлари учун ҳукуматимиз томонидан зарур шарт-шароит, етарли миқдорда маблағ ажратилди. Бунинг учун Президентимизга мингдан-минг раҳмат, дегим келади.



Жиянини қаршилашга чиққан қашқадарёлик Фарҳод Юсупов суҳбатга қўшилади:

- Истиқлолимиз шарофати билан амалга оширилаётган бундай таҳсинга лойиқ ишлар Ўзбекистоннинг келгусида куч-қудратли давлат бўлиб, халқаро ҳамжамият орасидан ўзига муносиб жой топишига ишончимизни орттиради,- дейди у.- Зеро, ёшларимиз эртага иқтисодиётимизнинг таянчи бўлган муҳим соҳалар бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишига шубҳа йўқ.



Ўғлини кутиб олиш учун олис Сурхондарёдан келган Эргаш Чориев ҳам қувончу эҳтиросларини яшира олмади:

- Ўғлим Жасурбек Чориев Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ўқир эди. Президентимиз ташаббуси билан иқтидорли ёшларнинг чет элларда таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Умид» жамғармаси ташкил этилгани ёшларимиз учун янги имкониятларни очиб берди. Жасурбек жамғарма ўтказган танловда қатнашиб, мана шундай шарафга муяссар бўлди. Юртбошимизнинг мамлакатимиз келажагини ўйлаб, амалга ошираётган бундай эзгу ишлари катта таҳсинга лойиқ. Яна шуни ҳам алоҳида айтишни истардимки, фақат истиқлол туфайлигина бундай кунларга етиб келдик. Илгари фарзандларимизни хориждаги университетларда ўқитишни ҳатто орзу ҳам қила олмасдик-да.

Ниҳоят Нью-Йорк-Тошкент йўналиши бўйича парвоз қилган ҳаво кемаси қўнди. Ундан талабалар чиқиб келади.

-Улуғбек Қосимхўжаев, Гўзал Расулова, Қаҳрамон Жўрабоев ва бир қанча бошқа ўртоқларим билан АҚШнинг Пейс университетида таълим олаяпмиз,- дейди ҳозиргина самолётдан тушган Бобур Ғофуров. - Ўқиш мобайнида кўп дўстлар орттирдик, билимимизни бойитдик, дунёқарашимизда катта ўзгаришлар содир бўлди. Таҳсил мобайнида америкалик талаба ва ўқитувчиларнинг ёш мустақил давлатимизга кизиқиши бениҳоя катта эканини ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб турдик. Улар биздан Ўзбекистон тарихи, маданияти, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари, мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар ҳақида кўпроқ сўрашарди. Табиийки, биз ҳам Ўзбекистон ҳақида, маданият ва анъаналарга бой халқимизнинг шонли ўтмиши, мустақил давлатимизнинг маориф, илм-фан соҳасида амалга ошириётган ислоҳотлари ҳақида фахр ва ифтихор билан сўзлар эдик. Ёшларни дунёнинг илғор олий ўқув юртларида ўқитиш тажрибаси ғоят фойдали эканига ҳам амин бўлдик. Чунки, илм-фанни ривожлантирмасдан тараққиётга эришиб бўлмайди. Биз мамлакатимизни жаҳондаги энг илғор давлатлар сафига қўшишдек олижаноб мақсадни қалбимизга жо қилиб, Президентимизга, халқимизга ташаккур айтамиз ва уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.



Дарҳақиқат, жаҳон иқтисодиёти интеграциялашув йўлидан бораётган, фан-техника мисли кўрилмаган даражада ривожланган, маҳаллий бозорлар тобора сайёравий миқёсда кенгайиш жараёнини бошидан кечираётган шиддатли даврда ёш мустақил давлатимизнинг ўз ўрнини топиши осон кечмайди. Табиийки, бундай даврда энг аввало юртимиз камоли ўсиб келаётган ёш авлодда кўринади. Чунки, ёш авлод замон талаби даражасида таълим ва тарбия олса, баркамол бўлиб етишса, мустақил давлатимиз тақдири ишончли қўлларда бўлади. «Ўзбекистон - келажаги буюк давлат», сўзларининг замирида ҳам, аввало, ёш авлоднинг муносиб камол топишига бўлган чуқур ишонч ётади.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

Маънавият бекати

ЎЗИНГНИ АНГЛА!

МИЛЛИЙ ҚИЁФА кишининг қай жиҳатларида кўзга ташланади, дея ўз-ўзимга савол бераман. Сувратидами? Бордию шундай десак, биз инсоннинг ташқи кўринишигагина баҳо берган бўлар эдик. Инсоннинг зоҳирий қиёфаси унинг дид-фаросати, маданияти ва маънавиятига алоқадор. Ботиний қиёфамиз эса қалбимиз либоси бўлмиш сийратимиздагина акс этади. Шундай экан, бу кун сийратимизда қай туйғулар мужассам? Унда юртга меҳру муҳаббат борми? Эл ташвишидан куюниб, эзгуликларидан суюна оламизми? Ватан тақдирига даҳлдорлик ҳиссини бирор марта юрак чизиқларидан ўтказдикми? Азалий қадриятларимизга содиқлик, уларни давом эттиришга мойиллик ҳиссини-чи? Аслида, ана шуларнинг ҳаммаси бизнинг маънавий ва миллий қиёфамизни белгилайди.

Бир пайтлар Анна Ахматованинг "Ёндирилган дафтар"ига киритилган шеърларини ўқигандим. Улар менга қаттиқ таъсир қилган ва сўнгги сатрлари ҳаёлимга буткул муҳрланиб қолганди:

... **Тупроққа қорилиб кетдим неча бор,**
Паноҳ қидирмадим бегона элдан.
Ёт қанот остидан паноҳ топмадим,
Мен бирга ғам чекдим ўз халқим билан.

Юртни севмоқ бошқаю, юрт учун фидо бўлмоқ бошқа экан, деб ўйлаганман, ўшанда. Чунки, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз эли билан бирга бўлган инсон чинакам юртпарвардир. Аммо Ватандан ташқарида яшаётган юртдошларимиз бор. Уларнинг миллий қиёфаси қандай? Она юртни кўпроқ қадрлайдиларми ё ўзлари макон қурган Ватанними?

Америкада яшаётган ҳамюртимиз Мунаввар Ўлғин билан учрашувимиз чоғида у шундай сўзлар айтганди: "Мен она юртим борлигидан ва бу юрт Туркистон эканидан жуда бахтиёрман. Отамнинг ўз юртига муҳаббати кучли. Лекин бу юртга бўлган менинг меҳрим ундан-да кучлироқдир!"

Мен шу суҳбатни тинглаб, ўзга юртда яшаётганлар учун ўзларидаги Ватан севгисини асраб қолиш муҳимроқ эканини тушуниб олгандим. Ахир баъзан ўз юртида яшаб туриб ҳам шу юртнинг жамики ташвишу қувончларига бефарқ қарайдиганлар ҳам бор-ку! Ўз Ватанинг билан ғурурланиш, унга керак эканингни ҳар дақиқада ҳис этиб яшаш инсон учун улуғ бахт. Аждодларимиз бундай бахтга муносиб бўлганлари учун ҳам тарих хотирасида абадий қолганлар. Эндиликда биз уларнинг ҳаёт тарзи, эътиқоди, қадриятлари, урф-одатларини заррама-зарра ўрганиб боришимиз зарур. Шундагина озодликни етарлича қадрлай олган бўлардик. Агар юрт тарихидан бехабар бўлсак, ҳақиқий ҳур инсонлик мақомига ҳам эришолмаймиз.

Ҳар бир эзгулик замирида фидойилик ётади ва айни пайтда шу фидойилик борлиқдаги воқеалар моҳиятини чуқур англаш учун зарур бўлади. Эрнест Хемэнгуэй урушни тўғри тасвирлай деб урушга кирган, жанггоҳларда қон кечиб, ўзи ҳам қаттиқ яраланган экан. Шундан сўнг унинг машҳур асарлари бирин-кетин дунё юзини кўрган. Биз юрт ифтихори, миллий ғурур туйғуларини кўнгилдан кечириб, лаззатланишдан аввал, озодликнинг моҳиятини тўғри англаб етишимиз лозим. Ана шундагина бизнинг кечинмаларимиз рост ва ҳақиқий бўлади.

Давраларда ўз сўзимизни айта оляпмизми? Менимча, айта оляпмиз. Чунки, фикрлашимизга қарши чиқадиганлар -- бир пайтлардаги бюрократия энди йўқ. Юрар йўлларимизда ҳурлик чечаклари очилиб ётибди. Демак, бу кун янада янгичароқ фикрлар билан майдонга чиқишимиз, ўзимизни билимдонлар сафида кўрсатмоғимиз зарур. Демократик тамойилларга асосланган давлатни барпо этиш учун ҳар биримизда худди шу фазилат -- билимдонлик бўлиши шарт. Гарчи, Президентимиз айтганлари каби: **"Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олиши ва аксинча билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда!"** ("Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асари, 134-бет).

Кўҳна Афинадаги Дельфа ибодатхонаси пештоқига етти донишмандниг ҳикматлари ёзилган бўлиб, шулардан бири "Ўзингни англа!" дегани экан. "Ўзни билган Аллоҳни ҳам билур!" дейилади қадимий китобларда. Ўзни билмоқ илми эса дунёни англаш каби чуқур, фалсафий тушунчадир. Жамият иқтисодий ва маънавий равнақининг аввали ўзни англашдан, "ўз" деган сўзга киришдан бошланади, аслида. Инсон ўзини худди китоб каби осон ўқиши ва таҳлил эта олиши керак. Шундагина у ўзини жамлайди, ўзлиги атрофида жипслашади. Бизнинг миллий қиёфамиз ҳам ўзлигимизда янада ёрқинроқ акс этади. "Ўзингни жамласанг, лашкар бўлурсан!" деган нақл бор халқда. Гап ўзаро бирлик туйғусида экан, инсонни инсонлик даражасига етказувчи, миллатни миллат сифатида оёққа турғазувчи ана шу бирлик туйғуси эканини тушунмоғимиз керак. Қолаверса, миллий ғуруримиз, миллий маънавиятимиз ҳам бир бутун бўлиб, ўзаро бирлашувимизда мужассамдир.

Шаҳарлик танишларимдан бирига қишлоғимиз ҳақида гапириб бераётиб, соғинчдан кўзларимга ёш қалқиди. Шунда у менга ачиниш билан қаради, сўнг бош чайқаб деди: "Сизга ҳам қийин. Жонужигарларингиздан узоқда, бегона шаҳарларда яшаб юрибсиз..." Мен дарров кўз ёшимни артдим ва жилмайишга ҳаракат қилдим. "Нега энди бу шаҳар менга бегона бўларкан? Ўзбекистоннинг ҳамма жойи биз учун она юрт-ку!" дедим. Кейинчалик шу нарсанинг гувоҳи бўлдимки, бу хил суҳбатлар бошқа давраларда ҳам бўлиб туради ва шундай пайтда кўпчилик бир-бирига "Сиз мусофир экансиз" дея таскину тасалли беради. Дорилфунунда ўқиб юрган йилларимизда талабалар ўртасида гуруҳларга бўлиниш, маҳаллийчилик жуда авж олганди. Ҳатто улар бир-бирларига қаердан келганига қараб муомала қилишарди. "Келгинди" деган атама шаҳарлик талабалар даврасида тез-тез тилга олинарди. Биз энди бутунлай янгича замонда яшаяпмиз. Эски тузум иллатларидан батамом қутулиш пайти етди. Лекин, аслида шундай бўлаяптими? Биз маҳаллийчилик кўринишларидан ҳамон ҳоли бўлганимизча йўқ. Турли ўқув юртларида, баъзи идораларда "битта жойдан эканмиз" деб бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва бу билан жамоанинг умумий кайфиятига таъсир ўтказиш ҳолатлари учрайди. Шу ўринда Йўлбошчимизнинг журналистлар, ижодкор зиёлилар билан ўтказган учрашувида айтган гапларини эслайман: **"Биз маҳаллийчиликка, гуруҳбозликка чек қўйишимиз зарур... Бу ишимизга ҳалақит беради. Дунёда ўзбек миллати битта. У хоразмликми, фарғоналикми, сурхондарёликми фарқи йўқ -- ўзбекдир!"**

Шарқнинг буюк шоири Бедилнинг байтларидан бири шундай мазмунни англатаркан: "Одамларга эргаша-эргаша ҳақиқатдан узоқлашдинг, энди бошқаларга эргашмоқни қўй, ҳақиқат шудир!" Бу фалсафий ўгитни ҳамма ҳар хил талқин этади. Лекин, **менинг англашимча, чин маънодаги маънавий мустақиллик Инсонга ўз фикри, ўз сўзига эгалик ҳуқуқини беради. Шунга одатлантиради.** Зеро, ҳар биримиздаги миллий қиёфани белгиловчи ботиний фазилатлар такомиллашуви ва уларнинг ички мустақиллик туйғуси билан гўзаллашиши жамият ҳаётининг янгиланмоғига асос бўлиши шубҳасиз.

Дунёга ўз нигоҳимиз билан боқайлик.
Юрагимиз ўзимизники бўлсин.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

"Камолот" яхшиликлари

ЖАМҒАРМА— ҲОМИЙ

Қамаши туманида уста-шогирд ҳаракати асосида миллий халқ ҳунармандчилиги турларидан бири -- дурадгорлик соҳасига катта эътибор берилмоқда. "Камолот" жамғармасининг Қамаши тумани бўлими усталар Ишмамат Юсупов ва Дилшод Тўраевларни ўз ҳомийлигига олиб уларга ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг 4 нафар болаларини шогирд қилиб бириктирди.

Собиржон НОРМУРОДОВ,
"Камолот" жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими мутахассиси

"МАҲАЛЛА -- 98"

Пойтахтнинг Юнусобод туманида "Камолот" жамғармаси, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси туман бўлимлари томонидан мини футбол бўйича маҳаллалараро "Маҳалла -- 98" мусобақаси бўлиб ўтмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган дастур асосида илк бор уюштирилаётган бу мусобақада 16 -- 45 ёш орасидаги ҳаваскорлардан тузилган 50 та маҳалла жамоалари иштирок этишади.

27 июнь куни якунланиши мўлжалланган мусобақа икки босқичда, аввал 6 та микроҳокимият миқёсида аниқланган ғолиблар туман биринчилиги учун беллашадилар.

А.ҒУЛОМОВ,
ТошДУ талабаси

Халқ ҳунармандчилиги


ЎЗБЕК ПИЧОҚЛАРИ

Пичоқ аслида ҳар бир инсон учун бирдай зарур бўлган рўзғор ашёси, шунингдек у кишининг сафардаги ҳамроҳи, ишончли яроғи ҳамдир. "Пичоқ -- ярим ризқ", дейилади халқда. Ҳар бир инсон ўз ҳамроҳининг гўзал ва мукаммал бўлишини истаб, шу хусусиятдаги йўлдошига меҳр-муҳаббат қўяди. Бу эса тиғ ясовчи усталар олдига энг аввало кескирлик, қулайлик, ихчамлик ва албатта, гўзаллик каби юксак маҳорат талабларини қўяди. Узоқ йиллар давомида шаклланиб, халқимизнинг гўзал анъанавий услубларини ўзида мужассам этган ва бир-биридан фарқ қилувчи алоҳида миллий пичоқчилик мактаблари юзага келди.

Ўзбек миллий пичоқчилик санъатида Бухоро, Хоразм, Бешариқ, Қўқон, Чуст, Шаҳрихон каби машҳур мактаблар бор. Ўзига хос ва бетакрор шаклу шамойили, бадиий баркамоллиги, кескирлиги ва бошқа ушбу касб тақозо этувчи хусусиятларнинг мукаммаллиги билан ажралиб турувчи Қорасув тиғларининг ҳам улар орасида нуфузли ўрни бор.

Оддий Қорасув пичоқларини санъат даражасига олиб чиқиб, жаҳонга танитишда сулоланинг етук вакилларилан бири уста Бакиржон Асқаровнинг хизмати катта. Уста Бакиржон ака пичоқчиликда иккинчи авлод бўлиб, бобоси Асқархўжа асли мироб эди. Ёш Бакиржон кўпдан буён мустақил фаолият кўрсатиб, ота ўгитларини ҳамиша дилда сақлаб, амалда қўллаб келмоқда.

Садоқат, самимият, саховатпешалик, очиқ кўнгиллик, поклик ва тўғрилик каби гўзал ва буюк инсоний хислатлар уста Бакиржон акага доимо ҳамдам.



"Суқма", "Исорча", "Қозоқча", "Бухороча" -- булар Уста Бакиржон ака меҳр билан сайқал берадиган, ўз халқига яхши ният билан тақдим этадиган пичоқларнинг асосий нусхаларидир. Ҳар бир турдаги пичоқларни умумлаштириб турувчи ва усталар дастхатини белгиловчи асосий омилларга эътибор бериб, буларни пайқаш мушкул эмас. Ёрма дасталари чор қиррага мойил пичоқлар жуда енгил, нафис, гулвантидаги бежирим чизма нақшлар ("чумчуқ тили") даста ва тиғларнинг ўзаро муносиблиги, "каптар бўйин" рангда товланувчи тиғларнинг ўта кескирлиги Қорасув пичоқларининг нафосатини белгилайди. Авлодлар анъанасини шаклан ва мазмунан сақлаб қолиш, уни ўзига хос тартибда ривожлантириш, юксакликка етаклаш Бакиржон ака Асқаровнинг ҳаёт мазмунига айланган.


Мен кўп йиллик кузатишим давомида Уста Бакиржон Асқаров тимсолида бетакрор Қорасув пичоқчилик мактабини олий даражада маромига етганлигини сездим. Чунки бу пичоқларга нисбатан ҳеч ким бефарқ ўта олмайди, ҳеч бўлмаса бир бор қўлига олиб томоша қилгиси келади. Кимлардир неларнидир кўзлаб "совуқ қурол" деб тамға ёпиштирган бу пичоқларда инсонни ўзига тортувчи илиқ ҳарорат, гўзаллик нафаси уфуриб туради. Бир неча бор кўргазма ёки ярмаркага ташриф буюрганда энг ҳурматли меҳмонлар Бакиржон ака пичоқлари қаршисида узоқ тикилиб қолганлиги, устани турли саволлар билан кўмиб ташлаганининг гувоҳи бўлганман.

Устанинг таъкидлашича Қорасув пичоқларининг 70-80 фоизи Андижондан ташқарига чиқиб кетар экан. Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Бишкек, Туркия, Эрон, Арабистон томонларда уларнинг мухлислари жуда кўп. Уста кўплаб шогирдлар тайёрлаганлар ва улар етук ҳунарманд сифатида фаолият кўрсатишмоқда. Шогирдлари Нўъмонжон Мўминов, Сотволди Олимхўжаевлар узоқ вақтдан буён уста сифатида бир сафда меҳнат қилишади. Уста Бакиржон бош бўлган Қорасув пичоқчилик мактабининг обрў-эътибори ярмарка ва кўргазмаларда янада ортиб бормоқда. Айниқса "Ташаббус-96" вилоят ҳунармандлари кўрик-танловига тақдим этган садаф кўзли гўзал пичоқлари мутахассислар қалбидан чуқур жой олди, уларни ҳайратга солди. Ана шундай қўли гул усталар меҳнатига ҳар қанча тасаннолар айтсак-да оз!

Дилшодбек ЮСУПОВ

ТАЛАБАЛАР ВАТАННИ КУЙЛАЙДИ







Ўтган ҳафта Наманганда -- Ўзбекистон Қўшиқ байрами республика кўрик-танловининг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ўртасида якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда иштирокчиларнинг ҳар бири Ватан гўзаллигини, шон-шуҳратини куйловчи ўз қўшиқлари билан қатнашишди.

44 жамоадан энг ғолибини аниқлаш нафақат томошабинга, балки ҳакамларга ҳам осон кечмади.

Ҳабибулло Раҳимов, ҳайъат раиси:

-- Албатта шундай бўлди. Чунки ҳар бир иштирокчи ўз сўзи, овози билан саҳнага чиқди. Биз адолатни тошу-тарози қилиб олдик, -- танлов давомида нафақат ижро маҳоратини, балки қўшиғи, куйи, кийиниши, ўзининг саҳнада қандай тутишигача эътибор қилдик. Республика таълим масканларида (мусиқага алоқадор бўлмаса ҳам!) иқтидорлилар жуда кўплиги бизни қувонтирди.

Бу кўплик танловга барча илм даргоҳи талабалари билан бирга ўқитувчи-домлалар ҳам катта тайёргарлик кўргани шундоқ сезилиб турибди.

Танлов давомида шуни англадимки, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бастакорлар Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорлик қилишлари керак экан. Шундагина мусиқаларда, шеърларда нуқсонлар камроқ бўларди.

Аҳмаджон Мелибоев, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири, ҳайъат аъзоси:

-- Санъатга ошнолик -- комиллик сари йўлдир, деган экан бир донишманд. Мустақиллик шарофати ила ҳозир мамлакатимизда ўтказилаётган кўплаб кўрик танловларда, ҳусусан "Ўзбекистон -- Ватаним маним" қўшиқ байрамида турфа хил касб эгалари, турли ёшдаги одамлар катта қизиқиш билан иштирок этаётганлари ҳар жиҳатдан қувонарлидир. Эҳтимол, уларнинг ҳаммасидан ҳам катта санъаткорлар етишиб чиқмас. Аммо, шуниси аниққи, бадиий адабиётга, мусиқага, ижро маҳоратига интилиш ёшларга кўпгина ҳаётий муаммоларни осон енгиб ўтиш имконини беради, дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлайди.

Айни пайтда, бундай кўрик-танловлар туфайли халқимиз орасидан не-не истеъдод эгаларини кашф этаётганимиз ҳам сир эмас. Ҳозирги ўзбек миллий санъатининг не-не номдор юлдузлари ўз вақтида ғоят машҳур бўлган "Марҳабо талантлар!"дан чиққанди. Демак, бундай тадбирлардан ҳар гал янги-янги номларни кутишга ҳақлимиз.

Гуллар шаҳри Наманганда ўтказилган якунловчи босқичда мамлакатимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сабоқ олаётган жуда кўп ёшлар ўз истеъдодларини намойиш этиб, тингловчиларни хушнуд этдилар. Аввалги танловларга қараганда, бу йилги кўрик ўзининг бениҳоя оммавийлиги билан ажралиб турди. Деярли барча жамоалар кўрикда шунчаки қатнашиб қўйиш учун эмас, аксинча, санъатимизнинг беадоқ имкониятларини намойиш этишга ҳаракат қилдилар.

Ҳайъат аъзоси сифатида битта мулоҳазам шуки, ўқув юртларида санъат ривожига бевосита тааллуқли техник имкониятлар янада яхшиланса, ижодкор жамоаларга бағри кенг, ёшлардаги илк ижодий куртакларни сеза оладиган, авайлаб тарбия қила биладиган режиссёрлар ёрдамга келишса, анъанавийлик тусини олган бу байрамимиз йилдан-йилга такомиллашиб бораверади.

...Шундай бўлсада энг яхши қўшиқчилар деб Жаҳон тиллари давлат университетининг хор жамоаси тан олинди. Нукус ва Самарқанд университетларининг, Тошкент педагогика университетининг, Наманган муҳандислик-педагогика институти ва Қўқон ихтисослашган коллежининг мусиқий жамоалари ҳам ғолиблар қаторидан жой олди.

Ғолибларни "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари Қ.Қуронбоев, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси И.Абдуғаниев, республика Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, таниқли шоир Муҳаммад Юсуф табриклади.

* * *

Бу тадбир сўнггида "Туркистон" газетасида чоп этилган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳомийлигида нашр қилинган талаба ёшлар шеърларидан иборат "Олтин беланчак" китобининг тақдимномаси ҳам ўтказилди.


* * *

Шанба куни Наманган шаҳрида танлов ғолиблари ва қатнашчилари иштирокида "Истиқлол юртининг фарзандларимиз" мавзусида катта концерт намойиш этилди. У ёшлар фестивалига айланиб кетди.

Қўшиқ байрамида Олий ва ўрта махсус таълим вазири О.Салимов қатнашди.

ЛАЙЛО, ўз мухбиримиз

Суратларда: Наманганда ўтказилган қўшиқ байрамидан лавҳалар.
Сураткаш: А.ГЕРАСИМОВ









Ижодкорнинг илҳом чашмаси

Ҳукуматимизнинг қарори асосида ўтказиб келинаётган Ўзбекистон Қўшиқ байрами тобора оммалашиб бормоқда. Байрам келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳридарё халқини мадҳ этувчи, Ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачўғидек асраб-авайлашга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқий асарлар яратилишига кенг йўл очяпти.

Учинчи бор ўтказилаётган бу йилги санъат байрамида нафақат профессионал ижодкорлар, балки ҳаваскорлар - турли миллат ва касб эгалари иштирок этаётгани ҳам унинг нуфузи ошиб бораётганидан далолатдир. Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларида қўшиқ байрами кўрик-танловининг якунловчи босқичига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

- Республика қўшиқ байрами кўрик-танлови мен учун ҳақиқий илҳом манбаи бўляпти,- дейди таниқли бастакор Дилором Омонуллаева.- Айни пайтда ватанпарварлик, мустақиллик мавзуидаги қўшиқларим йигирматадан ортди. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов билан биргаликда «Зарралари зар Ватан» ва «Туғилган кунинг муборак» қўшиқларини яратгандик. Умуман, шоирлар билан ҳамкорлик яхши натижа беряпти.

Қўшиқ байрамининг мунтазам ўтказиб турилиши жуда зарур деб ҳисоблайман. Анжуманнинг йилдан-йилга оммалашиб, такомиллашиб бораётгани биз, ижод аҳлига катта масъулият юклайди.

Дастлабки йил барча қатнашчиларга бир хил талаб қўйилган эди. Ўтган йили профессионаллар ва ҳаваскорларнинг маҳорати алоҳида-алоҳида баҳоланди. Бу эса ҳақиқий истеъдод эгаларини аниқлашда катта имкон яратди. Байрамда минглаб қўшиқ шинавандалари иштирок этаётгани, улар орасида кексалар ҳам, болалар ҳам борлиги халқимизнинг санъатга меҳрининг баландлигидан дарак беради.

Ҳукуматимиз санъат ва санъаткорларга эътиборни кучайтираётган экан, буни қадрлаб, соҳани ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилишимиз лозим. Бунинг учун жойларда мусиқа таълимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқ зарур, деб ўйлайман. Вилоятларда ҳам махсус мусиқа мактаб-интернатлари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Токи иқтидорли болалар дастлабки мусиқий билимни ўша ерда олсин, тажрибали мутахассислар қўлида тарбия топсин.

Кўпчилик мендан нега айнан эстрада жанрига қизиқишим сабабини сўрашади. Тошкент Давлат консерваториясида ўқиётган пайтимизда эстрадага деярли эътибор берилмасди. У иккинчи даражали жанр ҳисобланарди. Юртимизда эстрада, айниқса, миллий эстрада яхши ривожланмаганлигининг асосий сабабларидан бири шу. Шукрки, мустақиллигимиз боис бу соҳага ҳам кенг эътибор берила бошлади. Зеро, қўшиқ, айниқса миллий эстрада жуда сирли ва сеҳрли.

Ўзбекистон Қўшиқ байрами кўрик-танловига тайёргарлик чоғида ижод аҳли, турли ташкилот ва муассасаларнинг ҳамкорлиги жуда қўл келяпти. Айниқса, бу борада Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг Бастакорлар ҳамда Ёзувчилар уюшмалари билан яқин ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари диққатга сазовордир. Бундай саъй-ҳаракат самараси жорий йилда Ички ишлар, Мудофаа ишлари вазирликлари ўтказган қўшиқ байрами республика кўрик-танловларида ҳам яққол кўзга ташланди. Асосийси, кўрик-танлов сабаб янги-янги хонандалар, бастакорлар кашф этилди.

Қувончлиси, диёримиз мустақилликка эришгач, миллий қўшиқчиликка эътибор беқиёс кучайди. Биз бунинг қадрига етишимиз керак.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Иқтидорлилар — юрт бахти

А.Навоий номидаги республика нафис Санъат лицейи ўқувчиси Азизбек Турдиевни ёш бўлса-да, кўпчилик адабиёт ихлосмандлари танишади. Гапга чечан бу бўлажак шоир билан қисқагина суҳбатимиз...

-- Азизбек, сиз юртимиз умид билдираётган иқтидорлилардан бирисиз. Айтингчи, айнан адабиётга, шеъриятга қизиқишингизга нима сабаб бўлган? Бу сизга ато этилган қобилиятнинг маҳсулими ёки бошқа нарса?

-- Ҳар бир инсон туғилишидан қобилиятли қилиб яратилади. Кишининг маълум соҳага қизиқиши мана шу қобилиятни тўғри шакллантириш ва аввало, унга нимани нингдир туртки бўлиши билан юзага чиқади. Менинг адабиётга қизиқишимга мактабдаги ўқитувчим сабабчи бўлган, туртки бўлган нарса эса, китобларим орасида чиқиб қолган (ўзига яраша кутубхонам бор), бир пайтлар дадам ёзган шеър ва ҳикоялар кўчирилган дафтар. Шуларни ўқиб туриб, "нега энди мен ёзолмас эканман", дея ўзимни адабиётга урганман. Мени нафис санъат лицейига етаклаб келган



ГАПГА ЧЕЧАН ШОИРЧА

ҳам шу нарса деб ўйлайман.

-- Қайси мавзуларда кўпроқ шеър ёзасиз?

-- Шундай ҳикматли гап бор: "Ўзини англаган одам оламни англайди". Мен ҳам аввало "ўз"имни англаш, қалбимдаги туйғуларни ёзишга кўпроқ ҳаракат қиляпман.

-- Шеъриятимизнинг асоси бўлган классика ҳақида, уни ёшларга мазмунан ва шаклан етказиб бериш ҳақида нима дея оласиз?

-- Ҳақиқатан, классик шеъриятимизни чуқур англаш жуда мушкул. Шундай бўлсада, бугун биз Навоий, Бобур, Машрабларнинг асарларини айнан ўзидан ўқиганимиз маъқул. Уларнинг ҳозирги тилимизга ўгирилган изоҳли матнлари асардаги нафосат ва фасоҳатни етказиб беролмайди. Бир ўқиганда тушуниш мушкул. Аммо қайта-қайта ўқиб, албатта нимадир олса бўлади.

—Тенгдошларингизга, умуман ёш газетхонларимизга айтадиган тилакларингиз борми?

-- Бор. Фақат уни тилак эмас, агар жоиз бўлса, хитоб деб атасак:

Азиз тенгдошлар, дўстларим. Аввало кимлигимизни англаб олайлик. Дунёга донг таратган Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Амир Темур ҳазратларининг авлодлари эканлигимизни унутмайлик. Шундай буюк зотларни етиштирган кўҳна Турон фарзандларимиз. Улар ёритган ойдин йўлнинг давомчилари бўлайлик. Юртимиз, мустақиллигимизнинг суянган тоғи бўлайлик. Ўқийлик, илм олайликки, она-Турон яна минглаб буюк зотларнинг Ватанига айлансин.

"Туркистон" мухбири Ш.САЙДАЛИЕВ суҳбатлашди

Сени ким танийди?

Қуёшни танийди қари, ёш авом,
Андак баҳра олгач жонбахш нуридан.
Бўстонни танийди фозилу нодон.
Роҳат, ҳузур топиб мева, гулидан.
Иймонни ҳис этгач, аҳли мусулмон
Анга жой кўрсатди қалби тўридан
Юрагим, айт, жавоб берсанг қанийди
Сени ким танийди? Нечун танийди?

Ҳотамни танийди оламу жаҳон
Соф кўнгли, пок дили, саховатидан
Шоҳ Ғозий сифатида тилларда достон
Хуш феъли, рост сўзи адолатидан
Рустамни алқайди замину замон
Майдонда мардлигу жасоратидан
Юрагим, айт, жавоб берсанг қанийди,
Сени ким танийди? Нечун танийди?

Нега сукут ичра қолдинг бош эгиб
Майли, қўй, ўксинма, ўксунма, эй гул,
Барча пок ҳисларни кўксингга ютиб
О юрак, о юрак ҳайқириб ўттил.
Ҳайқиргил қиёмат махшаргача то.
Вулқондек гумбурлаб турсин садоси
Овозинг асирига айлансин дунё,
Сени шул ҳайқириқ учун танийди
Ғафлатдан кўз очган очун танийди
О юрак, о юрак ҳайқириб ўттил.

ЮРАГИМ

Кимнингдир наздида тош бўлган
Кимнингдир наздида бўш бўлган
Кўзларин гавҳари ўрнига
Армонлар сувлари -- ёш тўлган
Юрагим...

Кўйлаги қон билан бўялган
Тубига қалдирғоч ин солган
Бўйнига гулчамбар ўрнига
Илонлар ўралган
Юрагим...
Барига дош берган, дош берган
Барига дош берган, дош берган
Ногоҳон бир нигоҳ, бир нигоҳ
Ўқидан чил бўлган, чил бўлган
Юрагим...

Наҳот...
Бир нигоҳлик бардош бўлмаса
Наҳот...
Бир нигоҳлик бардош бўлмаса
Наҳот...
Бир нигоҳлик бардош бўлмаса
Аййод-ей аййод!

Азизбек ТУРДИЕВ

"ОЛТИН БЕЛАНЧАК"

"Туркистон"да чоп этилган талабаларнинг илк машқлари ана шундай номда китоб холида чоп этилди.

Дарё ирмоқлардан бошланади. "Тома-тома кўл бўлади", дейди доно халқимиз. Ҳа, адабиёт кўпчиликнинг мулки, уни катта-кичик яратади. Чаманда турфа гуллар кўп. Аммо ҳар бир гулнинг ўз бўй-ҳиди бор. Атиргулнинг тикони бор, деб улоқтириб ташламайдилар-ку!

Боғбон яхши ният билан кўчат экади, уни меҳр билан парваришлайди, дарахт бўлиб бўй чўзиб, ҳосил бергунга қадар ором билмайди, мевасини татиб кўриши биланоқ юзида рўшнолик пайдо бўлади, меҳнат натижасидан кўнглига олам-олам завқ-шавқ тугади. Бободеҳқон учун бундан катта ҳузур-ҳаловат, меҳнат роҳати бўлмаса керак!

Дарвоқе, адабиётни ҳам боғга қиёс этса бўлади. Ҳар бир ҳаваскор қаламкаш гуллар ва ниҳоллар каби парваришга, меҳрга муҳтож. Боғбоннинг -- устознинг муҳаббати, меҳру мурувват ва меҳнатидан ижод чамани бунёд этилади. Зотан, буюк алломамиз Алишер Навоий ҳазратлари айтганларидек, "Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп".

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги республика ёшларининг нашри бўлган "Туркистон" газетаси ижодий жамоаси билан ҳамкорликда хайрли ишга қўл урганлигидан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим ва таҳсил олаётган қаламкаш ёшларнинг шеърий ва насрий битикларидан намуналар бериб боришга қарор қилганлигидан хабардорсиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳақида"ги Фармонига жавобан ташкил этилган "Олтин беланчак" рукни ва "Туркистон" газетаси саҳифаларида ёритилган шеърлар, қўшиқлар, бадиялар адабиёт мухлисларида яхши таассурот қолдирди. Илмий ва адабий жамоатчиликнинг эътиборини қозонди, талай иқтидорли ёшлар кашф этилди, адабиёт билан дўстлашди.

"Олтин беланчак". Зеро, бу ном ҳозирги ўзбек адабиётида ўз овози ва созига эга бўлиб, камолотга эришган бизнинг авлодимиз учун яхши таниш, уларнинг юракларига яқин калом. Чунки бу туркумда республика ёшлар нашриётларида ўнга яқин муаллифнинг биринчи тўплами босилиб чиққанлиги, маданий ҳаётимизда қувончли воқеаларга айланганлиги ҳамон ёдимизда. "Яхшиларга эргашиб топмадим зиён, дерлар" қабилида иш тутиб, эзгу ниятни кўнгилга тугиб, ижодкор талабалар ва ўқувчиларимизнинг қалдирғоч тўпламини "Олтин беланчак" деб номлашга жазм этдик. Республикамиз олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида таҳсил олиб, қалам тебратаётган 50 дан ортиқ ёш ижодкорларнинг 100 га яқин сара асарларини жамлашга интилдик. Тўплам мундарижасининг умумий руҳи ва мазмунидан келиб чиқиб, уни "Муқаддас Ватаним", "Умр -- оқар дарё", "Муҳаббат -- қуёшдан таралган шуъла", "Ёш кўнгилда юрт илҳоми" каби тўрт бўлимга ажратдик. Ёш қаламкашларнинг машқларини ғоявий, бадиий жиҳатдан баҳолашни талабчан устозлар, диди баланд китобхонлар ҳукмига ҳавола этамиз.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
шоир

Дамирнинг медали

Илгари хабар берилганидек, Наманган-даги ўзбек-турк лицейининг ўнинчи синф ўқувчиси Дамир Шамсиддинов июнь ойи бошларида Истанбулда бўлиб ўтган навбатдаги халқаро экология олимпиадасида иштирок этган эди.

Олимпиада иштирокчиларининг қирқдан ортиқ илмий-амалий лойиҳаси орасида Дамирнинг сувни булғатувчи моддалардан тозалаш муаммосига бағишланган иши энг яхши деб топилгани ҳақида хабар келди. Лицей ўқувчисига биринчи даражали диплом ва олтин медал берилди.

Нуфузли анжуман совриндори бўлиш осон иш эмас, албатта. Шуни айтиш кифояки, унда жаҳондаги 25 давлат, жумладан, Швеция, Япония, Жанубий Корея, Польша мамлакатларидан ёш экологлар иштирок этган эди.

Н.ХЎЖАЕВА
ЎзА мухбири.

БОРМИСИЗ, ЙИГИТЛАР?



Бундан уч-тўрт йил олдин устоз ёзувчимиз Пиримқул Қодиров қизиқ бир гапни айтдилар.

-- Сафаржон, сен уруш даври болалари ҳақида кўп ёздинг. Яхши. Ука, яна бир мавзуни кўтариб чиқ.

-- Айтинг, -- дедим.

-- Эътибор бераяпсанми, ҳозирги кунда йигитларнинг овози майинлашиб кетаяпти. Радиода ҳам, ойнаи жаҳондаям уларнинг товушини жарангдор қизларимиз овози босиб кетди. Шу ҳақда ёз.

Пиримқул аканинг буюртмаси жиддий эди. Ўзимча унга жавоб ҳам излай бошладим. Ҳа, энди маданийлашиб бораяпмиз. Балки, маданийлашишнинг биринчи белгиси -- майинлашишдир.

Аста-аста бу фикримга қарши чиқдим. Устозни безовта қилган нарса менга кўчди. Эртага йигит бўлиб, қўлимиздан ишни оладиган ўғил болаларни кузата бошладим. Йигитларимиз олами негадир биқиқ кўринди. Тўю ҳашамларда бу ҳол аниқ кўринди. Ёши улуғлар чой ташиш, ўт ёқиш, қўйингки, истаган хизматга доим тайёр. Болаларимиз эса бу "майда" ишдан ор қилгандек, бир чеккада гап сотиб туришади. Хизматдан кўра, иззатга ўч. Безаниш, таранишга ҳаракати зўр.

Мен бу ерда овози дўриллашга етган ўспиринларни кўзда тутаяпман. Келинг, бормисиз, йигитлар дедимми, шу баҳонада қолган гапларниям айта қолай.

Бу гапни инкор этолмаймиз. Йигитларнинг овози эмас, ҳатто биз эркакларнинг товушимиз сусайиб кетаяпти. Қайси бозорга борманг тижоратчими, сотувчими, сингилларимиз, опаларимизга дуч келамиз. Поччаларимиз, куёвларимиз эса уларни чет элга тижоратга кузатиш, кутиб олиш билан овора.

-- Бизди хотин Эмиратга қатнайди, -- мақтанди бир оғайним, -- бирга бир қолади.

-- Бирга бири нимаси? -- сўрадим.

-- Э хаткаш, -- кулди у, -- шуниям билмайсанми, бирга бир дегани бир сўми икки сўм бўлиб келади. Ана шунинг орқасидан участка қурдик, машина олдик. Хотининг чаққон чиқса катта давлат экан.

Ҳар бир ота-она куёв қилишга, келин кўришга бир умр орзуманд. Бугунга келиб онда-сонда учраб турса-да ғаройиб келин изловчилар кўпайиб қолди. Шунга мойил йигитчалар ҳам озмунча эмас.

"Ғаройиб" сўзи балки жонсиздир. Келин изловчилар бою бадавлат хонадонлар эшигини қоқадиган бўлишди. Шундай хонадондан келин олишса, бош ният: -- куёвга ҳимоячи топилди. Қизим, деб ота-онаси ташиб туради. Куёвнинг хонадонини тўлдиришдан ташқари, ўғлим деб бир умр елкасини силаб юради. Боз устига куёвнинг ота-онасининг ҳар хил харҳашасиниям кўтаради.

Бунинг акси бўлмиш, ғурурли бир мисол. Паркентда бўлганимда айтиб беришди. Эсингизда бўлса керак. Республикамизнинг баъзи бир туманларида "қаровсиз" қолган йигитларни ҳокимлик ҳимоясида, ҳомийлар ҳиммати билан уйлантириш бошланганди. Бу борада Тошкент тумани рекорд қўйиб, бира тўла ўн бешта йигитнинг бошини иккита қилганди. Сўққабошларни излаш Паркентда ҳам бошланади. Нима бўлсада "Ташаббус"ни давом эттириш керак. Ниҳоят, ёлғиз, сўққабош йигит топилади.

-- Сени уйлантирамиз, -- дейди ташаббускорлар. -- Қани тайёрлан.

-- Мен нима қилишим керак?

-- Ҳеч нима. Келинни ҳам ўзимиз топамиз.

-- Мен уйланмайман, -- дейди йигит.

-- Нимага?

-- Шунгаки, сизлар мени уйлантирсайиз, бу туманда мен қандай қилиб бош кўтариб юраман. То ўзим молу дунё топмагунимча бировнинг ҳисобидан уйланганим бўлсин. Бола-чақамга, невара-чеварамга нима дейман. Сахийлар мени уйлантириб қўйишган, дейманми?!

Паркентликлар бу йигитнинг сўзидан хафа бўлмайди. Қадим-қадимда ҳам етим болаларнинг қўлини, маҳаллакўй бирлашиб ҳалоллашган. Уларга фақат ёрдам беришган. Ҳалол меҳнат қилса бундай йигитлар бойларга ичкуёв ҳам бўлган. Сўққабошлик ҳеч қачон текин уйланиш учун имтиёз келтирмаган.

Очиқ айтишим керак, ҳозирги кунда сўзамоллик ҳам, шижоат ҳам қизлар қўлига ўтиб кетди. Турли танлов-кўрикларда асосан қизларимиз иштирок этмоқда. Ўтган йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган "Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир" иншолар танловининг ғолибларини қутлаш учун Бухорога бордик. Бухоро Давлат Университетининг мажлислар залида қутлаш, мукофотлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Кузатиб турсам, залда асосан қизлар. Ғолиб йигитларимизни учратмадик. Бу йил ҳам худди шундай бўлди.

Очиғини айтиш керакки, ўғилларимиз жамоа ишидан ўзини четга олмоқда. Фаоллик сусайган ерда тўғрисўзлилик, мардлик, жасурлик, ботирлик ҳам сўнади. Минғирлаш кучаяди. Сўниқ қалбда наърадор овоз қандай қилиб яшайди.

Йигитлик инсон умрининг баҳори, қайнаб-тошган, тошқинлик фасли. Йигитлар овози майинлиги бир баҳона. Ҳолбуки, йигитнинг гап-сўзи, юриш, туриши, кийиниши ҳам ҳар биримизда ҳавас уйғотиши керак.

Биз кечаги кунгача асарларимизда "чўққи соқол" деган иборани кўп ишлатдик. Биз томонларда "эчки соқол" деган гаплар ҳам йўқ эмас. Улуғ боболаримиз Ал Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темурлар сувратига тикилиб туриб, соқол одамзодга нечоғлик ҳусн бағишлаганидан ҳузурланамиз. Соқол ҳам улар учун буюклик, нуронийлик кашф этган.

Бугунликда, айниқса, баъзи бир ёшлар орасида соқол қўйиш русумга айланди. Бу ҳолни мен Имом Бухорий номидаги Олий маҳад толиблари орасида кўп кўрдим. Кўп кўрдим эмас, кўп кузатдим. Ёш-ёш йигитчалар сийрак соқол ўстирганидан ташқари, бўйин сал энгашган, елка чиққан, қўл мудом таъзимга тайёр ҳолда юришади. Шундай тасаввур пайдо бўладики, диндор шундай юриши керак деган. Унда Имом Ҳамзалар, Ҳазрати Алилар ким бўлган?. Уларга эргашган лашкарлар тобесифат бўлганми? Ким бўлмасин, диний илм оладими, дунёвий билим оладими, йигит деган юксак баҳога мос бўлмоғи лозим.

Бугун жамоа ишидан ўзини олиб қочган, сўзлари шалвираб тушган бола эртага қандай йигит бўлади?

Ўғил болалар, эртага йигит бўладиганларнинг мардона овози нега ипаклашиб бораяпти.

Бунинг биринчи, бош сабаби -- **мактабларимизда эркак ўқитувчиларнинг борган сари камайиб бораётгани. Марду мардоналик куйланган қўшиқларимиз камлиги.**

Баҳонада яна бир таклиф. **Ўсмирлар оламини ҳис эттирувчи асарлар танловини ўтказиш пайти келмадими!?**

Ўғил болалар овозининг майинлашишига бугунги қўшиқчилигимиз ҳам анчамунча таъсир кўрсатмоқда. Тан олиш керак, устоз Комилжон Отаниёзовнинг бетакрор овози, ноласи, наъраси мен учун ҳақиқий мардона овоз ҳисобланади. Унинг овози юракда яшириниган кенгликларни уйғотиб юборади. Мен ҳамма санъаткорларни хуш кўраман. Бу деганим барчасининг овози, саҳнадаги хатти-ҳаракати хуш ёқади, деганим эмас. Йигитларнинг саҳнада, тўйларда буралиб-суралиб қўшиқ айтиши, беъмани қилиқлар қилиши қаёқдан келиб чиқди. Қўшиқчи укаларимнинг кейинги пайтда "мардона" айтадиган эгиз қўшиқлари ҳам пайдо бўлди.

Маҳаллангни кезаман,
Тўйингни ҳам бузаман

деб биттаси дўқ-пўписа қилса, яна бири сендан қоламанми, дегандек,

Тўйингниям бузгумдир охир,

деб "қўрқитиб" қўймоқда.

Бу қўшиқ ҳам, дўқ-пўписа ҳам одамийлик, йигитлик дунёсидан узоқдир. Ғашни келтиради, холос. Аммо ҳали сўзнинг фарқига бормайдиган, санъаткорман деб юрган шундай пала-партиш қўшиқлар билан эл олдига чиқмоқдалар. Ойнаи жаҳондан ўзларига вақт ажратмоқдалар. Бу минғирлашларнинг сон-саноғи йўқ. Тақлидлар эса авжига чиқиб кетаяпти.

Бизнинг пайтларда ўғил болаларнинг яна бир дунёси бор эди. У ҳам бўлса ўзига хос болалик ўйинлари. **Чиллакдир, ошиқ ўйнашдир, бекинмачоқдир, қайси ўйин бўлмасин, буларнинг бари улар учун синов эди. Ўйинлар болаларни тобларди. Шахс сифатида шакллантирарди. Ўзбекнинг бирор тўйи курашсиз, бел олишсиз ўтмасди. Эндичи, уларнинг раққослигисиз, ер чангитишсиз ўтмайдиган бўлди.**

Менимча, болаликда чиниққан боланинг ботирлиги, ҳамияти зўрлиги, сўзи, овози бир умр уни тарк этмайди.

Бу фикрларни ўртага ташлашдан ният, сира бировни камситиш, унга танбеҳ бериш эмас. Бугун она қизларимиз пешқадам экан, отасига раҳмат. Кўрдингизми, барибир беихтиёр отасига раҳмат деяпмиз. Демак, ота қизлар кўпайиб бораяпти.

Лекин, унутмайликки, бизнинг Бош ҳимоячимиз, Ватан ҳимоячиси, остонамиз, рўзғоримиз посбони, эртага йигитлар бўлади. Уларнинг қадами, сўзи, ўзи ҳам доим бирдай дадил бўлиши керак.

Азалдан болалар қалбини халқ достонлари, ривояту афсоналар, эртаклар руҳида тарбиялашган. Алплар, ўтда ёнмас паҳлавонлар йигитлик тимсоли бўлиб келган.

Мана, келгуси йили "Алпомиш" достонининг минг йиллигини нишонлаймиз. Ният шуки, ушбу достоннинг радиода мунтазам ўқиб эшиттирилиши йўлини ўйлаш пайти келди. Мен бу фикрни шунчаки айтмаяпман. Менинг қулоғим остида ҳамон ўлмас санъаткорлар: -- Шукур Бурҳонов, Ҳамза Умаровларнинг мардона овози янграб турибди. Бугун бу хизматни Афзал Рафиқов билан Муҳаммад Рафиқовлар давом эттирмоқда. "Алпомиш" достони ҳам шундай оҳангда ўқилсаки, Алпомиш, Қоражонлар овози қайта тирилиб, ҳар бир боламиз мен ҳам алп бўламан деб, бешигидан ечилиб кетсин...

Сафар БАРНОЕВ

Таҳририятдан: айрим йигитларга алам қилсин деб мақоладаги баъзи мунозарали фикрларга "ранда" урмадик.

Муаллиф кўтарган муаммолар йигиту қизларимиз кўнглида акс-садо берса, ажаб эмас.

Хатларингизни кутамиз.

БУ ҲАЛИ БОШЛАНИШИ

ХХ асрнинг сўнгги йиллари дунёга сиёсат билан бирга, спорт оламида ҳам оламшумул янгиликлар олиб кирди. Айни кунларда Франция қитъасида бўлаётган футбол бўйича жаҳон чемпионати мусобақаси ХХ асрликларнинг қалбида муҳрланиб қолиши табиий.

Ҳа, унда иштирок этаётган 32 та футбол жамоаларининг барчаси қалбида ягона эзгу ният -- ХХ аср сўнгги чемпионлигини қўлга киритишдир.

Шу кунгача ўтказилган 16 тур учрашувларида бироргина ҳам йирик натижа қўлга киритилмаганлиги футболчиларнинг бу галги учрашувига ниҳоятда катта тайёргарлик билан келганликларидан далолат беради. Барча футбол жамоалари ўйин суръатини бир сония ҳам пасайтирмасдан бор куч ва имкониятларини ишга солиб, ўз маҳоратларини жаҳон футболсеварларига намойиш этаяпти.



Дастлабки учрашувларда "Яшил майдон"да туп сурган Шотландия Чили (2:2), Бразилия-Болгария (0:0) (2-1), Италия-Парагвай-жамоалари ўйин давомида бир-биридан кучли эканликларини тасдиқладилар. Аммо, Африка юлдузлари -- Нигерия терма жамоаси Европа футболининг отахон жамоаларидан бўлмиш Испанияни 3:2 ҳисобида енгиб мағлубиятга учратиши шинавандалар ўртасида шовшув уйғотди. Чемпионатнинг 3 куни Нант шаҳридаги Бетур стадионида ўтказилган бу ўйин Нигерия мухлисларини шунчалик қувонтириб юбордики, ҳатто бу кунни нигерияликлар миллий байрам сифатида нишонладилар. "С" гуруҳида иштирок этаётган французлар ҳам ЖАР жамоаси билан бўлиб ўтган учрашувда дастлабки йирик очкони қўлга киритди: 3:0.

"А" гуруҳининг қолган икки жамоаси Марокаш-Норвегия 2:2, "В" гуруҳидаги Камерун-Австрия 1:1, "С" гуруҳидаги Саудия Арабистони-Дания 0:1 ҳисоблари қайд қилинди.

Ўзбекистон футболчиларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионатига йўлланма олган "Е" гуруҳидаги Жанубий Корея терма жамоаси Мексикага 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

Жаҳон чемпионатининг 32/1 финали биринчи турини якунлаш "F", "G" ва "N" гуруҳи зиммаларига тушган эди. Ушбу гуруҳларда иштирок этаётган Германия, Англия, Аргентина, Руминия, Колумбия жамоаларининг ўйинлари "марказий" ўйинлардир.


Германиянинг Европа жамоалари ичида биринчи бўлиб тўрт маротаба жаҳон чемпиони бўлиш орзуси, гуруҳлардаги бошқа жамоаларнинг ҳам фахрий биринчиликка чиқиш иштиёқлари бу ўйинлар жозибасини янада оширагидан далолатдир. Шу орада англиялик сахий ишқибоз миллиардер Ричард Бренсоннинг ҳотамтойлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. У Англия жаҳон чемпионлигини қўлга киритса, ҳар бир жамоа аъзосини Кариб денгизи соҳилларидаги оромгоҳларда бир ой дам олишларини ўз ҳисобидан таъминлашни бўйнига олган. Бу оромгоҳларда бир кунлик кўнгилхушлик 13 минг фунт стерлинг туришини ҳисобга олсак, бу футболчилар ғайратига янада ғайрат қўшиши шубҳасиздир.

Шундай қилиб, 15 июнь куни биринчи тур якунида "F" гуруҳидаги Германия-АҚШ жамоалари гўзал Париж шаҳридаги "Парк де Притсис" ("Шаҳзодалар парки") стадионида майдонга тушдилар. Аниқликни ўзларига касб қилиб олган немисларнинг бу ўйинда ғалаба қозониши ҳеч кимга сир эмас эди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаёқ Андрсас Меллер ҳисобни очди. Хоккей, баскетбол ва бошқа спорт турларида ҳеч кимга сўз бермайдиган АҚШлик қайсар йигитлар футболда ҳам ўз маҳоратларини намоён қилишди. Ўтказиб юборилган голдан сўнг ҳушёр тортган АҚШ футболчилари Германия дарвозаси томон бир неча хавфли ҳужумлар уюштирдилар. Айниқса, Френки Хайдук, Томас Дулилар ўзларининг чаққон ва моҳир ҳаракатлари билан футбол мухлислари қалбидан чуқур жой олишди. Бутун ўйин давомида қайсар йигитлар қанчалик тиришмасинлар, уларга бироз тажриба етишмади чоғи. Бу орада совуққон немислар сардори Юрген Кленсман иккинчи голни ҳам рақиб дарвозасига йўллаб, ўз жамоасига дастлабки ғалабани келтирди.

Гуруҳдаги Югославия-Эрон жамоалари 1:0 ҳисобида натижага эришдилар. "G" гуруҳидаги марказий ўйинлардан бири ҳам 15 июнда Марселдаги Велодром стадионида Англия ва Тунис жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Инглиз футболчилари ўзларига хос бўлган услубда ўйин олиб боришди. Учрашувнинг биринчи қисмида Ален Ширер ҳақиқий инглизчасига тўпни боши билан дарвозага йўллаб, ҳисобни очди. Иккинчи қисм ярмида Пол Скоулз киритган тўпдан сўнг 3 очкони англияликлар ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди.

Шундай қилиб биринчи тур учрашувлари ниҳоясига етди. Баъзи жамоалар мағлубият аламини, баъзилари эса ғалаба нашидасини тотишга улгурдилар. Буларнинг ҳаммаси жамоаларнинг энг эзгу орзуси бўлган жаҳон кубоги учун бўладиган курашларга янада кучлироқ туртки беради. Ва ўйлаймизки, биринчи турда имкониятни бой берган футболчилар бундан кейин ўзларининг бор маҳоратларини ишга солиб, футбол оламида янги-янги юлдузлар кашф қиладилар. Ахир бу ҳозирча бошланиши-ку...

Акмал ҚЎЧҚОРОВ,
ТошДУ толиби



"КАТАКЛАРДАН САКРАШ"

Катак ичидаги сон нечта силжиш кераклигини, ҳарф эса йўналишни (п-пастга, т-тепага, ч-чапга, ў -ўнгга) билдиради. Улар ёрдамида ҳар бир катакка бир тўхтаб, охирида "М"га боринг. Жумбоқ: бошланғич катакни топинг.

Тузувчи: ШЕРЗОД

1ў	2п	3ў	2п	1ч	4п
3п	2ў	2ч	4п	4п	1ч
3п	1ч	1т	М	2т	3ч
3т	4ў	2ў	3ч	1т	1т
4ў	3т	1т	1т	2ч	2ч
5ў	2т	5т	1ч	3ч	4т

Турфа олам

"УЧАР"ЛАР РАҚОБАТИ

2000 йилларда катта самолётларга эҳтиёж кўпаяди. Бунинг сабаби, биринчидан, йўловчилар сонида кутилаётган кескин ўсиш бўлса, иккинчидан, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ҳаво линиялари сонини камайтиришдир. Шундан келиб чиқиб, дунёнинг энг йирик авиасоз компаниялари "Боинг" ва "Аэрбус" 600 йўловчига мўлжалланган суперсамолёт лойиҳалари устида иш олиб бормоқда эдилар. Бу йўлда "Боинг" ўз 747сини такомиллаштираркан, "Аэрбус" эса тўрт коридорли "А3ХХ"ини бозорга чиқариш ҳаракатида эди.

Аммо омма фикрини ўрганиш натижасида ҳаво ширкатлари катта самолётларга унчалик қизиқиш билдирмаётгани маълум бўлди. Осмон йўлларининг манзараси ўзгармоқда. Ҳудудий авиаширкатлар сони кўпаймоқда, натижада қисқа масофага учадиган кичик "авиабус"ларга эҳтиёж ортмоқда. Аҳвол бундай бўлгач, табиийки "дев" самолёт лойиҳалари четга суриб қўйилмоқда.

Бу борада дастлабки қадамни "Боинг" ташлади. У ўтган йили ўзига қўшиб олган "Макдонал Дуглас" компаниясининг "MD-95"ини "Боинг 717-200" номи билан ишлаб чиқара бошлади. Компания бу самолётга дастлабки буюртмаларни ҳам қабул қилган. Илк маҳсулот келаси йили "Аэр Транс Аэрлайнс" ҳаво ширкатига тақдим қилинади. Охирги буюртма Германиянинг "Бавария Лизинг" ширкатидан олинди. Улар беш дона "Боинг 717-200" исташмоқда.

"Аэрбус"да эса ҳозирча тайёр лойиҳа йўқ. Аммо, компания раҳбариятининг айтишича, 124 йўловчига мўлжалланган "А 319" модели кичрайтирилиб, бозорга чиқарилиши режалаштирилмоқда. Компаниянинг 555 кишига мўлжалланган "А3ХХ" суперсамолёти дунёнинг илк тўрт коридорлиси ҳисобланади. Буюртма тушса, 2003 йилда йўловчилар хизматига кириши мўлжалланган. Бироқ, мутахассисларнинг фикрича, 2 миллиард долларга тушадиган "А3ХХ" лойиҳасидан кўра, компания ҳаражатлари 200 миллионга тенг "А 319"ни ривожлантиргани маъқул. Чунки "Боинг"нинг "717-200"и 1999 йилда ҳаво линияларида қатнай бошлашини ҳисобга олсак, "Аэрбус" бунинг оқибатида катта йўқотишлар қилиши мумкин.

"РОССИЯНИНГ ҚАНОТЛАРИ"

"Боинг" билан "Аэрбус" кичик самолётлар томон "қадам ташларкан", рус конструкторлари 1000 йўловчига мўлжалланган суперсамолёт учун енг шимаришган. Жаҳоннинг энг катта самолётини яратишга киришган "Сухой" фирмаси ҳозир инвестор излаш билан овора. "Россиянинг қанотлари" (КР-860) деб аталувчи бу ҳаво шунқори "Аэрбус"нинг "А3ХХ"ига рақиб сифатида кўзга ташланмоқда. "Боинг"нинг "747"сидан эса икки карра кўп йўловчи олиш қурбига эга.

Хориж матбуоти асосида
Ш.САЙДАЛИЕВ тайёрлади.

КЎЙИЛ-Э!

Нью-Йорк яқинидаги Неверсинск шаҳрида олтмиш ёшли Сэре Карри исмли аёл яшайди. Унинг 21 нафар фарзанди -- 12 нафар қиз ва 9 нафар ўғли бор. Уларнинг ёши 15 дан 38 ёшгача. Бахтиёр онанинг неваралари сони 32 нафарга етди. Сердарзанд оиланинг "гуноҳкори" Рейманд сув таъминоти идорасида ишлайди.

Яқинда Сэренинг 60 йиллик тўйи нишонланди. Унга "Йилнинг машҳур онаси" унвони берилди, жуда кўп совға-саломлар тухфа этилди.

ҚИЗИЛДА ГАП КЎП...

Французлар соғлом бўламан десанг, қизил рангли нарсалардан кўп истеъмол қилишни тавсия этишади. Улари ҳам помидор, қизил сабзи, қизил қалампир, қизил винони иштиёқ билан истеъмол этишади.

Шу боис, улар полувитаминлар ва кам қувватли гўшт билан овқатланадиган америкаликларга нисбатан юракқон томир хасталикларига ўн марта кам чалинишар экан.

Қизиқарли маълумотлар

НОНДАН ҲАМ...

Руссия давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра руссиялик ҳар бир фуқаро бир ойда ўртача 8,1 кг. нон маҳсулотлари, 9кг. картошка, 9,1 кг. мева ва сабзавотлар, 13,6 литр сут ва сут маҳсулотлари, 11 литр алкоголлик ичимлик истеъмол қиларкан.

Акмал Икромов ноҳиясидаги 287-ўрта мактаб томонидан Р. Бобоевга берилган А № 511200 рақамли шаҳодатнома бекор қилинади.

* * *

Чилонзор туманидаги "KOXINUR-AZIZ" хусусий фирмаси тугатилади.

* * *

Чилонзор туманидаги "ARKAZAMON" хусусий фирмаси тугатилади.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдулазиз РАИМОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-98-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; иқтисод, саноат бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, комбинат — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —087
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 табоқ
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топширин вақти — 21.00
Босишга топширилди —21.30

1 2 3 4 5 6